

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни озиқ – овқат  
маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича  
№ 17– сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «14» январь

Бешариқ туман

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **“Oybek Aziz chorva”** фермер хўжалиги (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари А.Қобилов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Бешариқ туман мактабгача таълим бўлими номидан (келгусида «Харидор» деб аталади) раҳбари Ш.А.Бараталиева ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети**

- 1.1. «Сотувчи» «Харидор»га куйидаги маҳсулотларни етказиб беради: Озиқ -овқат маҳсулоти  
1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати: 10 450 000 (Ўн миллион тўрт юз эллик минг ) сўм 00 тийинни ташкил қилади.  
1.3. Маҳсулотлар 2022 йил январь ойига куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1-тоифали музлатилган мол гўши	кг	190	55000	10 450 000
<b>Жами</b>				<b>10 450 000</b>

**Изоҳ:** Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган маҳсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига ўзгариш киритилади.

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Олинган озиқ-овқат маҳсулотлари учун маҳсулот спецификациясида белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.2 «Харидор» олдиндан 30 % миқдорида 3 135 000 сўм тўловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни маҳсулот олингандан сўнг шартнома амал қилиш муддатида сўнг фактураларга асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% миқдорида олдиндан тўлов жадвалига асосан ҳар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Маҳсулотлар учун нарх маҳсулот етказиб беришга даъвогар бўлган корхоналарнинг тижорат таклифларидан ҳамда худуддаги ўртача бозор нархлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тақдим этилган нархлардан келиб чиққан ҳолда тақдим этилаётган маҳсулотларни сифатини эътиборга олиб ўзаро танлов асосида белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун нарх бозор нархларидан ошмаган ҳолда сифат даражасига қараб етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ўзаро келишилиб белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган озиқ- овқат маҳсулотлари белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Сотувчи» зиммасидан қопланади.

**3. Маҳсулот етказиб бериш:**

3.1 «Сотувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган тақсимоотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни 2022 йил январь ойида етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

**4. Томонлар ҳуқуқи ва мажбурияглари:**

4.1 «Сотувчи» маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, гўшт маҳсулотлари учун ветеринария бўлими хулосаси ва хоказолар) ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Сотувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган; ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қогози кўрсатган вақилга маҳсулот беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қогозида кўрсатилмаган маҳсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч қогозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда бу маҳсулотлар учун «Харидор» томонидан ҳақ тўланмайди. Шунингдек, «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки

сертификатсиз маҳсулотларлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

4.3.«Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатномалар орқали расмийлаштирилади.

4.4. «Харидор» «Сотувчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

#### 5.Томонлар жавобгарлиги

5.1 Агар «Етказиб берувчи»томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз,ёки сақлаш муддати ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб берган ҳолда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 20% жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Етказиб берувчи»томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Етказиб берувчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот қийматининг 0.5% миқдоридан лекин кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчига пеня тўлайди.

5.3 Агар «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан олинган маҳсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4 Жарималар тўланиши «Етказиб берувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### 6.<Форс-мажор>

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

#### 7. Шартнома муддати

7.1 Шартноманинг амал қилиш муддати **2022 йил 31-январгача** Маълум сабабларга кўра олинган маҳсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади

#### 7.2 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан; б) «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда; в) «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда; г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Сотувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

#### 8 Қўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал қилинади.

8.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

8.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *тегишли ғазначилик бўлинимасида* рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

“Oybek Aziz cho'g'a” фермер хужалиги  
(епказиб берувчининг (пудратчининг) номи)  
Манзил: Риштон тумани Янгиобод ҚФЙ  
Тел./факс: 90-277-66-55  
х/в: 2020 8000 500465762001  
Банк номи “Халқ банки” Риштон филиали  
МФӨ 00795 СТИР 303295374  
ИФУТ \_\_\_\_\_



А.Кобилов  
(Ф.И.О.)

«Буюртмачи»

Бешарик тумани мактабгача таълим бўлими  
(буюртмачи номи)

Манзил: Бешарик шаҳри Сирдаро кучаси  
Тел./факс 6121627  
шҲХ 100022860302157091100251001  
Ташкилотнинг СТИРы 305153351  
ИФУТ 84112

Ҳазначилик бўлинмасининг номи Бешарик тумани  
буйича Ҳазначилик бўлинмаси  
ЯҲҲ 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бешарик  
бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ЖККМ)  
МФӨ 00014 Ҳазначилик бўлинмасининг  
СТИРы 201122919

Буюртмачи раҳбари \_\_\_\_\_ Ш.А. Бараталиева  
(давоими) (имзо) (Ф.И.О.)





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

14.01.2022 yil

**Beshariq tuman**  
**Maktabgacha ta'lim bo'limi**

**XULOSA**

(Maktabgacha ta'lim bo'limining  
17-sonli shartnoma loyihasiga)

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarni oziq – ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash bo'yicha №17-sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 14 yanvar kuni ishlab chiqilib va shu kuni dasturga kiritilgan.

**4. Loyiha bo'yicha taklif:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi hamda "Oybek Aziz chorva" fermer xo'jaligi 1-toifali muzlatilgan mol go'shti mahsulotini yetkazib berish to'g'ri 10 450 000 (O'n million to'rt yuz ellik ming ) so'm 00 tiyin №6-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ 3953-son qarori bilan tasdiqlangan "Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxati"ning 27-bandida, davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan ro'yxat bo'yicha ta'lim muassasalari, oziq-ovqat mahsulotlari xarid qilish uchun to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzishi mumkinligi ko'rsatilgan. Shartnoma loyihasiga tadbirkorlik sub'ektining guvohnomasi va tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi mudirining 05.01.2022 yildagi yig'ilish bayoni, sest xulosasi ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

**XULOSA**

Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan №17-sonli oziq – ovqat mahsulotlari yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyixalarini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

**Beshariq tuman YuXKM**  
**bosh yuriskonsulti**



**X.Abdurafiqov**



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"OYBEK AZIZ CHORVA" Fermer xo'jaligi**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"OYBEK AZIZ CHORVA" FX**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

19.01.2016

1897

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Bira, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchning identifikatsiya raqami (STIR):

303295374

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Fermer xo'jaligi

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Rishton tumani, Oq-olfin, YANGIOBOD,

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, Rishton tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

to'mondan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

